O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

Миллий тикланиш — миллат келажаги

MILLIY TIKLANISH

2007-yil, 24-yanvar, chorshanba, 3 (386)-son.

Gazeta 1995-yil, 10-iyundan chiqa boshlagan

Haftalik gazeta

O'zbekiston "Milliy tiklanish" demokratik partiyasining ijtimoiy, siyosiy, iqtisodiy gazetasi

Партия ҳаёти

ҚОНУНЛАР ЛОЙИҲАСИ МУҲОКАМАДА

Президентимиз томонидан Олий Мажлис Қонунчилик палатасига қонунчилик ташаббуси тартибида киритилган "Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида"ги Конституциявий қонун, "Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига (89-моддасига, 93-моддасининг 15-бандига, 102-моддасининг 2-қисмига) тузатишлар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаларининг муҳокамага қўйилиши юртимиздаги сиёсий партиялар аъзолари зиммасига катта масъулият юклади.

Куни кеча Миллий матбуот марказида ўтказилган Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг пленуми юқоридаги қонун лойиҳаларининг муҳокамасига бағишланди.

Партия Марказий кенгаши раиси Хуршид Дўстмуҳамедов ўз сўзида асосий эътиборни мамлакатимизда босқичма-босқич амалга оширилаётган ислоҳотлар, уларнинг сиёсий жараёндаги аҳамиятига қаратди.

— Жамиятдаги сиёсий ислоҳотларнинг бориши ўзўзидан бўлмайди, албатта, — деди нотиқ. — ЎзМТДПнинг вужудга келиши миллий қадриятларимиз замонавий демократик тамойилларга мослигини, уларни асраб-авайлаш давлатимиз тараққиёти учун муҳим аҳамиятга эга эканлигининг бир исботи бўлди. Муҳокамага қўйилган қонун лойиҳалари ҳам ўз навбатида партиядошларимиз зиммасига катта масъулият юкламоқда. Шу боис ҳам келгуси ишларимизга ҳозирдан мустаҳкам замин ҳозирлаб боришимиз керак.

Партия Марказий кенгаши, вилоят, туман ва шаҳар кенгашларида ушбу қонун лойиҳалари қизғин муҳокама этилмоқда. Партия фаоллари қонун лойиҳаларини қўллаб-қувватламоқдалар. Тадбирда қатнашган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари Абдуғафур Маматов, Олимжон Ўсаров, Шарифа Салимовалар юқоридаги қонун лойиҳалари сиёсий партиялар вакилларига берадиган имкониятлар ва олдинда турган катта вазифалар ҳақида гапиришди. Жойларда партия ишини янада яхшилаш учун бошланғич партия ташкилотлари сонини кўпайтириш, партия ўқувларини ўтказиш, масъул ўринларга муносиб кадрларни танлаш, шунингдек, партия нашри — "Миллий тикланиш" газетасига обунани ташкил қилиш масалалари хусусида фикрлашиб олинди.

Пленумда ЎзМТДП Марказий кенгаши томонидан 2006 йилда амалга оширилган ишлар юзасидан партия Марказий кенгаши раиси ўринбосари Хайринисо Мирзажонованинг ахбороти тингланди. Маърузачи ўз сўзида эришилган ютуқлар билан бирга, ҳал этилиши лозим бўлган муҳим вазифаларга ҳам алоҳида тўхталди.

Шундан сўнг партиянинг Сурхондарё ва Қашқадарё вилоят кенгашларида олиб борилаётган ишлар таҳлили юзасидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Жума Чоршанбиевнинг ахбороти тингланди. У икки вилоят туман ва шаҳар кенгашларида амалга оширилаётган ишлар, ютуқ ва камчиликлар хусусида гапирди.

Тадбирда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий кенгашининг 2007 йил учун иш режаси тасдиқланди. Пленумда муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Гулбаҳор ОРТИҚХЎЖАЕВА,
«Миллий тикланиш» мухбири.
Азамат АҲМЕДОВ олган суратлар.

Ўзбекистон — умумий уйимиз

ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ БАЙРАМИ

Мамлакатимизда бир юз ўттиздан ортиқ миллат ва элат вакиллари тинч ва тотув истиқомат қилишаётир. Бир юз қирқдан ортиқ миллий маданий марказлар фаолиятини мувофиқлаштириб турувчи Республика Байналмилал маданият маркази ташкил этилганлигининг 15 йиллигига бағишлаб ўтган шанба куни пойтахтимиздаги «Халқлар дўстлиги» саройида тантанали йиғилиш ўтказилди.

Тантанада вазирликлар, идоралар, жамоат ташкилотлари раҳбарлари, юртимиздаги барча миллий маданий марказлар фаоллари, шунингдек, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган дипломатик корпус вакиллари иштирок этишди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Республика Байналмилал маданият маркази ташкил этилганлигининг 15 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш қатнашчиларига табригини Бош вазир ўринбосари Р.Қосимов ўқиб эшиттирди.

Азал-азалдан ўзбек халқи кенгфеъллик, сахийлик ва оққўнгиллик фазилатларига эга. Конституциямизда ҳам барча миллат ва элат вакиллари тенг ҳуқуқлилиги кафолатланган. Мамлакатимизда фуқаролар тотувлигини мустаҳкамлашга қаратилган оқилона сиёсат туфайли кўп миллатли ҳамюртларимиз тинч ва осойишта ҳаёт кечиришаётир. Дўстона ва ўзаро ҳамжиҳатлик асосида миллатлараро муносабатлар мустаҳкамланиб бораётгани қувончли.

Миллати ва динидан қатъий назар юртдошларимиз Ўзбекистонни умумий уйимиз деб, шу Ватан бизники деб билишаётир. Президентимиз таъбири билан айтганда, тарихан шаклланган қадимий миллий маданиятлар, санъат ва халқ ижодиёти, юз йиллар давомида таркиб топган миллий анъана ва урф-одатларнинг ўзаро яқинлашуви ва бир-бирини бойитиши учун, мамлакатимизда яшаётган турли миллат ва элат вакиллари ўртасида ўзаро ҳамжиҳатлик ва ҳурмат муҳитини қарор топтириш учун очилаётган имкониятлар юксак аҳамиятга эга. Ҳеч бир муболағасиз айтиш мумкинки, Республика Байналмилал маданият маркази ўз фаолияти давомида мамлакатимизда миллатлараро ва фуқароларо тотувликни янада мустаҳкамлашга қаратилган янги ғоя ва ташаббуслар пайдо бўлаётган ҳақиқий дўстлик уйига айланди.

Тантанали йиғилишда Президентимизнинг Фармонига кўра Республика Байналмилал маданият маркази ташкил этилганлигининг 15 йиллиги муносабати билан миллатлараро дўстлик, ҳамжиҳатлик ва тотувликни мустаҳкамлашга катта ҳисса қўшган миллий маданий марказларнинг бир гуруҳ фаолларига фахрий унвонлар, орден ва медаллар топширилди. «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими» фахрий унвонга сазовар бўлган Андижон вилояти «Андижанская правда» газетасининг муҳаррири, вилоят рус миллий-маданий маркази раҳбари П.Волков сўзга чиқиб, Президент Ислом Каримовга республикамизда тинчлик-осойишталикни, миллатлараро тотувликни мустаҳкамлаш, турли миллатлар маданиятини ривожлантиришга шароит яратиш учун доимо эътибор бериб, ғамхўрлик кўрсатаётганлиги учун миннатдорчилик билдирди. Ватанга сидқидилдан хизмат қилишини алоҳида таъкидлади.

Санъат усталари, миллий-маданий марказлар ижодий жамоалари иштирокидаги катта концерт тантана қатнашчиларининг қувончларига қувонч қўшди.

Дилмурод ҚИРҒИЗБОЕВ,
«Миллий тикланиш» мухбири.

Фракция йиғилишида

КУН ТАРТИБИДА ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси фракцияси ва Марказий кенгаши Раёсатининг қўшма йиғилиши бўлиб ўтди. Унда фракция аъзолари ва партия фаоллари, Марказий кенгаш девони ходимлари иштирок этишди.

Йиғилишни ЎзМТДП Марказий кенгаши раиси, фракция раҳбари Хуршид Дўстмуҳамедов кириш сўзи билан очди ва иштирокчиларни кун тартиби билан таништирди. Кейин Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ялпи мажлисига биринчи ўқишда киритилаётган «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг алоҳида талабларининг амал қилишини вақтинча тўхтатиб туриш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси муҳокама қилинди. Лойиҳада «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги Қонуннинг алоҳида талаблари амалиётда юридик ва жисмоний шахслар ўртасида банк тизимига бўлган ишончнинг камайишига олиб келаётганлиги учун ушбу Қонун айрим моддаларининг амал қилишини вақтинча тўхтатиб туриш таклиф этилган. ЎзМТДП фракцияси аъзолари бу масала юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Шундан сўнг, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг айрим қўмиталари таркибидаги ўзгаришлар тўғрисида»ги ва «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2007 йилга мўлжалланган фаолиятининг асосий йўналишлари тўғрисида»ги Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг қарорлари ҳамда парламент қуйи палатасининг 2006 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи кўриб чиқилди.

«Миллий тикланиш» демократик партиясининг навбатдаги VII Пленумини 23 январь куни ўтказиш масаласи юзасидан Х.Дўстмуҳамедовнинг ахбороти тингланди. Пленум Президентимизнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасига қонунчилик ташаббуси тартибида киритилган «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий қонун ва «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига (89-моддасига, 93-моддасининг 15-бандига, 102 – моддасининг 2-қисмига) тузатишлар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаларининг партия вилоят, шаҳар, туман кенгашларида муҳокама қилиш натижалари таҳлил қилиниб, улар асосида Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг нуқтаи назарини ишлаб чиқиш ва билдирилган таклиф-мулоҳазалар асосида қабул қилиш режалаштирилмоқда.

ФАОЛЛАР ТАШАББУСИ

ЎзМТДП Тошкент вилояти кенгаши "Ёшлар қаноти"нинг ҳисобот йиғилиши бўлиб ўтди.

* * *

Наманган туманидаги 23-мактабда партиянинг туман кенгаши "Ёшлар қаноти" ташаббуси билан "Ватаним — фахрим менинг" мавзуида давра суҳбати ўтказилди.

* * *

Партиянинг Фарғона вилоят кенгаши "Ёшлар қаноти" ташаббуси билан "Ёшлар — миллат келажаги" мавзуида давра суҳбати ўтказилди.

* * *

ЎзМТДП Тошкент вилояти Бекобод туман кенгашида "ЎзМТДПнинг бошланғич ташкилотларида Хотин-қизлар билан ишлаш масалалари" мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди.

* * *

Партиянинг Бухоро вилояти Шофиркон туман кенгаши "Хотин-қизлар қаноти" томонидан "Мустақиллик саодати — аёл тақдирида" мавзуида тадбир ўтказилди.

* * *

ЎзМТДП Сирдарё вилоят кенгаши "Хотин-қизлар қаноти" ташаббуси билан "Аёл — баркамол авлод мураббийси" мавзуида адабий-маърифий тадбир ўтказилди.

* * *

ЎзМТДП Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши "Ёшлар қаноти"нинг ҳисобот йиғилиши бўлиб ўтди.

* * *

Партиянинг Қарши шаҳар кенгаши "Хотин-қизлар қаноти" томонидан "Самарқанд" маҳалла фуқаролар йиғинида "Аёл — баркамол авлод мураббийси" мавзуида тадбир ўтказилди.

* * *

ЎзМТДП Самарқанд туман кенгашида Президентимиз томонидан Олий Мажлис Қонунчилик палатасига қонунчилик ташаббуси тартибида киритилган "Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида"ги Конституциявий қонун, "Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига (89- моддасига, 93-моддасининг 15-бандига, 102-моддасининг 2-қисмига) тузатишлар киритиш тўғрисида"ги қонун ло-йиҳаларининг муҳокамасига бағишланган йиғилиш ўтказилди.

* * *

ЎзМТДП Сурхондарё вилояти Анғор туман кенгаши томонидан "Дўстлик" маҳалла фуқаролар йиғинида "Мустақиллик ва миллийлик" мавзуида давра суҳбати ўтказилди.

* * *

Партиянинг Наманган вилояти Тўрақўрғон туман кенгаши томонидан Тўрақўрғон касб-ҳунар коллежида "Миллий ғоя — миллат кўзгуси" мавзуида маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

ЎзМТДП Марказий кенгаши Матбуот хизмати.

Абдулла Қаҳҳор таваллудининг 100 йиллиги олдидан

ЭҲТИРОМ

1967 йил май ойининг бошлари. Илк ҳикоялари билан Абдулла Қаҳҳор назарига тушган истеъдодли ёш ёзувчи, кинорежиссёр Учқун Назаров устоз адиб таваллудининг 60 йиллигига бағишланган ҳужжатли фильм устида қизғин иш олиб бораётган кезлар. Фильмнинг «Абдулла Қаҳҳор ижодкор дўстлари, шогирдлари даврасида» лавҳаси адибнинг илтимосига кўра, унинг Дўрмондаги боғ ҳовлиси ёнида, Ёзувчилар ижод уйига кираверишдаги ариқ бўйида, азамат арғувону чинорлар соясида суратга тушириш режалаштирилган эди. Қаҳҳор оиласи, аниқроғи, умр йўлдоши Кибриё опа билан йигирма йилдирки, шу сўлим масканда яшаб ижод этардилар. Бошда бу ерда ариқ бўйида капа тикиб туришган, сўнг шу маскандан ер олиб, иморат қуриб, уйли-жойли бўлишган. Кибриё опанинг саъй-ҳаракати, тадбиркорлиги туфайли бу жой жаннатмакон боғ ҳовлига айланган. Айниқса баҳор, куз кунлари бу масканнинг таровати ўзгача тус оларди. Адиб бу ерда ўзини гўё жаннатда юргандай ҳис этарди. «Йилнинг апрель-май ва сентябрь-октябрь ойлари Тошкентни, айниқса Дўрмонни ташлаб кетиш гуноҳ, айни шу ойларда нариги дунёнинг жаннати мана шу Арғин ариғи бўйларига кўчиб тушади», — дерди у ички бир мамнуният билан.

Белгиланган дақиқаларда, чошгоҳ пайти суратга олиш учун таклиф этилган, адиб кўнглига яқин олган ижодкорлар жамулжам бўлдик. Аксига олиб ўша куни худди «Минг бир жон» ҳикоясида тасвирланганидек, кўк юзида сузиб юрган булут парчалари офтобни бир зумда юз кўйга соляпти. Чарақлаб турган қуёш бирдан булут орасига кираги-ю теварак-атроф хиралашади. Офтоб ҳар сафар булут остига кириб чиққанида, баҳор келганидан бехабар ҳануз ғафлатда ётган ўт-ўланни, қумурсқаларни уйғотмоқчидай авалгидан ҳам ёруғроқ, аввалгидан ҳам иссиқроқ шуъла сочаётгандай туюлади. Бундай манзаранинг ҳам ўзига хос таровати, гашти бор. Бироқ бу ҳол кинога очиқ ҳавода суратга олиш учун ноқулайлик туғдирар экан. Бор-йўғи 5-6 минутлик лавҳани лентага тушириш бир неча соатга чўзилиб кетди. Ўртадаги стол тўрида бўлғуси фильм бош қаҳрамони Абдулла Қаҳҳор, атрофида эса кино «персонажлари» — Саид Аҳмад, О.Ёқубов, П.Қодиров, М.Қўшжонов, О.Шарафиддинов, Ў.Умарбеков, Э.Воҳидов, А.Орипов, Ш.Холмирзаев, Ў.Ҳошимов, Н.Худойберганов, ниҳоят, камина қўр тўкиб ўтирибмиз.

Рўпарада, операторлар қуршовида Учқун қуёш булут орасидан чиқиб, теварак-атроф чарақлаши билан даврадагиларга қараб «бошлаймиз» ишорасини қилади-да: «Мотор!» — дея команда беради. Суратга олиш бошланиши билан офтоб булут остига бекинади-ю Учқуннинг: «Стоп!» — деган ўксик овози эшитилади. Ижодий жараён тўхтайди. Сўнг эркин суҳбат, ҳазил-мутойиба, турфа ҳангомалар бошланади. Осмондан булут ариб, қуёш кўриниши билан яна «Мотор!», сўнг боягидек «Стоп!» садоси...

Бу ҳолат адашмасам учтўрт бор такрорланди. Бу хил оворагарчиликлар киночиларни, биринчи галда, Учқунни хижолатга, ташвишга солгани, кимларгадир малол келаётгани аниқ. Бироқ оралиқлардаги давра гурунглари, хусусан, адиб ҳазил-мутойиба, луқмалари биз ёшлар учун унутилмас сабоқлар бўлган эди.

«Қаранг-а, ажиб ўхшашлик, — дея луқма ташлади у бир гал. — Олтмиш йиллик умрим айни бугунгидек ўтибди. Энди булут қаридан чиқиб елкамга офтоб текканида, яна бошқа булут галаси тепамга бостириб келаверади-я! Тавба...»

Абдулла Қаҳҳор ўша суратга олиш лавҳасида, жумладан: «Адабиётга ўғри мушукдай туйнукдан тушадиган одамлар ҳам бўлади», — деб бошланувчи сўзларини айтиши лозим экан. Айни шу сўзлар икки-уч бор такрорланганида, ҳар гал охирига етмай туриб «Стоп!» садоси янграб, гап ора йўлда қолаверди. Шунда у: «Менинг бу гапларим айрим ҳамкасбларим тугул, ҳатто об-ҳавога ҳам ёқмаяпти», — деганида, даврада гур этиб кулги кўтарилди.

Боз устига адиб такрорий нутқлари кўнгилдагидек чиқмаётганлигини сезиб турарди. «Мендан бирибир актёр чиқмайди, — деди у бир гал. — Мен нишонга фақат бир бор ўқ узишга одатланганман. Ролга кириб такрорлашни эплолмайман».

Орада ярим соатлик танаффус эълон қилинди. Кўплар оёқ чигилини ёзиш учун боғ оралаб кетишди. Абдулла ака ёнида Саид Аҳмад билан Озод ака, «гап ўғриси» бўлиб камина бирга қолдик. Шунда Саид Аҳмад ака даврада энг ёш, жуссаси кичик шоир Абдулла Орипов устида гап очиб: «Одатда катта ёзувчилар ўз асарлари учун муқаддас китоблардан, номи жаҳонга машҳур классиклардан эпиграф оларди. Абдулла ака, бу қанақаси бўлди, Сиз «Ўтмишдан эртаклар» қиссангизга миттигина бошловчи шоир Абдулла Орипов сатрларини эпиграф қилиб келтирибсиз», — деди андак қувлик билан. Шунда устоз бир оз сукут сақлаб, хаёлга толиб: «Бу борада кўп ўйлаб кўрдим. Олдинроқ Абдуллажон илтимосимга кўра «Нурли чўққилар»га эпиграф учун тўрт сатр шеър ёзиб берган эди. Бу галгиси бутунлай бошқача бўлди... Эсимни танганимдан бери мени қийнаб келаётган, тўрт йил тер тўкиб ифода этмоқчи бўлган кўнглимдаги гапни, ғам-ғуссани сиз «митти» шоир деган бу бала (устоз «бола» сўзини қўқончасига чиройли, шикаста овозда «бала» деб талаффуз этарди) тўрт сатрда қойил қилиб айтиб қўйибди.

(Давоми 2-бетда).

Мулоҳаза

УЯЛИ ТЕЛЕФОНИНГИЗ БОРМИ?

ёки одоб-ахлоқ борасидаги айрим қусурлар ҳақида

Янги асрнинг энг қулай ва самарали техника воситаларидан бири — уяли алоқа тизимининг оммалашуви узоғимизни яқин, мушкулимизни осон қилаётгани қувонарли. Зеро, ҳар доим ўзингиз қидирган кишингиз билан бевосита мулоқот қила олишингиз, энг муҳими, сира кечиктириб бўлмайдиган мушкулотларингизни дарҳол ҳал этиш имкониятингиз мавжуд. Бироқ «сотка» деб аталадиган телефондан фойдаланишда кўпинча одоб-ахлоқ қонун-қоидаларига риоя этиш кўпчиликнинг ёдидан кўтарилаётгани ачинарли бўлаётир. Яқинда «Дамас» автомашинасининг орқа ўриндиғидаги йўловчининг «сотка»си жиринглаб қолди.

— Алло, эшитаман, — деди йўловчи йигит. — Эй, сенмисан Жавоҳир. Нима қилаяпсан ҳозир? Юкни жўнатдингми, қачон?.. Ҳм, кейин у ёққа телефон қилдингми?..

Шу пайт яна бир қўл телефони жиринглади.

— Ҳа, гапиравер Сардор гапинг бўлса, эшитаяпман, — деди иккинчи йўловчи йигит. — Ҳозир қаердасан? Ие, у ёқда ... Мен сени кечадан бери излаяпман. «Кечаям телефон қилгандим» дейсанми? Э бошингга... «Соткам» доим ёнимда, ўчирганим йўқ. Кўп сайрама, мен ҳозир етиб бораман. Қаердасиз дейсанми, «Дамас»да кетаяпман...

Бу пайтда биринчи йўловчи йигит ҳали қўл телефони орқали бўлаётган суҳбатини давом эттираётган эди.

— Долларни алмаштирдингми? Аҳмоқ, ўзимга айтмайсанми? «Кўки»ни майдалаб расво қилибсан-қу!

Учинчи йўловчининг одобсизлиги эса ҳаммасидан ошиб тушди. У афтидан жазмани билан гаплашарди:

— Қалайсиз, асалим? Соғиниб қолдингизми? Давоси бизда, жоним. Кеннойим дейсизми? Э, у чепуха. Сиздан қўймасин.

Суҳбат шу ерга келганда кимдир юзини четга бурди, бошқаси эса норози оҳангда нималарнидир пичирлаб қўйди.

Балки бундай нохушлик онда-сонда учраганида кўп ҳам эътибор қилмасдик. Аммо ҳозир уяли алоқа воситасидан фойдаланишда одоб-ахлоқ чегарасидан ўтиш шу даражага етдики, буни тилга олмаслик мумкин бўлмай қолди.

Табиатда замин узра нур тарайдиган, барчага бирдек тафт берадиган қуёш Шарқдан чиқиши ҳаммамизга аён. Зотан, инсоний муносабатлар, қавму қариндошлик, ахлоқ қоидалари ҳам азал-азалдан Шарқдан нур каби атрофга тарқалиши тан олинган ҳақиқатдир. Таъзиму тавозеда, айниқса, японияликларнинг олдига тушадигани йўқлигини ҳам эшитганмиз. Яратилаётган мўъжизавий техникаларнинг

(Давоми 2-бетда).

ЭҲТИРОМ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

«Муножот»ни тинглаб» шеъридан олинган ўша сатрлар асарга ўз-ўзидан тайёр эпиграф бўлиб кириб келди:

Эшилиб, тўлғониб
ингранади куй,
Асрлар ғамини
сўйлар «Муножот».
Куйи шундай бўлса,
ғамнинг ўзига
Қандай чидай олган
экан одамзот!

Бу сатрлар гўё айни «Ўтмишдан эртаклар» учун ёзилгандай. Қисса маъно-моҳиятини — пафосини бундан аниқроқ, ёрқинроқ ифодалайдиган бошқа бир сўз топиш мумкинми?!»

Шу пайт бирдан қуёш булут панасидан чиқиб теварак-атроф ёришиб-яшнаб кетди-ю, Абдулла ака боғи томонидан булбулнинг шодон садоси янграй бошлади. Адиб бир дам сехрли садога ғарқ бўлиб турди-да: «Булбулнинг сайрашини, янгроқ овозини эшитмаган, ундан завқ олмаган зот йўқ. Аммо булбулнинг ўзини кўрганмисизлар?», — дея савол ташлади. Саид Аҳмад ака кўрганлигини, Озод ака иккимиз кўрмаганлигимизни айтдик. Қишлоқдаги ҳовлимизда бир туп азамат қизил олма бўларди. Ҳар йили баҳорда гуллаганида қўшалоқ булбул гуллар чамани орасида ҳафта давомида басма-басига тўлиб-тошиб сайрашарди. Ҳарчанд уринмай улар кўринмасди. Фақат мен эмас, оила аъзоларимиздан бирортасининг ҳам кўзига тутқич бермаган... Абдулла ака бош бармоғини кўрсатиб: «Булбулнинг жуссаси шу бармоқнинг учидай келади, — дея давом этди. — Унинг юраги жуссасидан ўн баробар катта. Тўлиб, юракдан сайраганида гўё дунёни титратади. Анави «митти» шоир баланинг юраги ҳам жуссасидан ўн чандон каттадиров... «Митти юлдуз» китобчасини варақлаб кўринг. Шу митти шоир қалб тубидан шаршарадек отилиб чиққан сатрлар қалбларни ларзага солади. Ҳали кўрасизлар, унинг овози олис-олисларга етиб боради...»

Сўнг гап Эркин Воҳидов устига кўчди. Устоз истеъдод бобида Абдулла билан Эркин бир-бирларидан асло қолишмаслигини таъкидлаб, «Маҳалла» ҳикоясига эпиграф қилиб Эркин Воҳидовдан олинган:

Инсон билан
тирикдир инсон,
Муҳаббатдан
ҳаётнинг боши.
Одамзотга
бахш этади жон,
Одамларнинг
меҳр қуёши.

тўртлигининг тарихини сўзлаб берди. Маълум бўлишича, Абдулла ака «Маҳалла» ҳикояси тайёр бўлгач, Эркинга телефон орқали асарнинг қисқача мазмунини сўзлаб беради ва шу маънони ифода этадиган шеърий сатрлар ёзиб беришини сўрайди. Эртасигаёқ шоир юқорида келтирилган тўртликни қоғозга тушириб адибга етказади. Тўртлик унга маъқул бўлади. «Маҳалла» ҳикояси ўша эпиграф билан «Совет Ўзбекистони» газетасида эълон этилади. «Бунақа ёрқин, ҳаётбахш, умидбахш сатрларни Эркиндек ноёб истеъдод эгасигина ёзиши мумкин эди, — дея сўзини давом эттирди устоз. — Бошда мен, Эркинни шодлик, бахт, ёшлик куйчиси деб юрардим. «Нидо» достонини ўқигач, фикрим ўзгарди. У айни пайтда одам боласининг дардидунёсини, қалб нидосини ифодалаш бобида Абдулладан қолишмас экан...»

Суҳбат чоғи англадимки, Абдулла аканинг ўша кунги даврага таклиф этган ёш ижодкорларга, хусусан, Эркин Воҳидов билан Абдулла Ориповга эътибори, эҳтироми, улардан умиди ниҳоятда катта экан. Ўз навбатида ёшларнинг ҳам устозга ҳурмати, эҳтироми чексиз эди. Абдуллажон илк китоби «Митти юлдуз»ни қаҳҳорона ихчам ва лўнда «Ҳурматли устозга эҳтиром билан» деган дастхат ёзиб тақдим этган, шу тариқа гўё устоз ва шогирдлар қалбидаги мангуликка дахлдор ноёб руҳий ришталарга имзо чеккан эди. Тириклигидагина эмас, вафотидан кейин ҳам устознинг муқаддас уйғоқ руҳи давра қатнашчилари — дилига яқин «ўз одамлари», шогирдлари қадамини ҳар дақиқада кузатиб борганлигини тасдиқлайдиган ғаройиб ҳодисаларга шахсан ўзим шоҳидман. Биргина мисол. Уни Кибриё опа такрор-такрор ҳикоя қилишдан зерикмасди. Абдулла Қаҳҳор вафотидан сўнг опа учун Дўрмондаги боғ ҳовлисида ёлғиз туриш имкони бўлмай қолади. Абдулла ака учун ниҳоятда азиз бўлган бу йигирма йиллик масканни кимга бериш масаласи жиддий жумбоққа айланади. Унча-мунча одам бу боғ ҳовлига оғиз солишга ботинолмайди. Бир улкан математик академик олим опанинг илтимосига кўра муайян фурсат бу даргоҳда туради. Ўша кезлари опа ҳар куни тушида Абдулла акани қовоғи солиқ, тажанг ҳолда такрор-такрор кўради. Қарангки, ўша олим оиласи ҳам бу ерда ўзларини ноқулай сезиб, ниҳоят, бу хонадонни тарк этишга мажбур бўладилар. Опа хаёлан — руҳан Абдулла ака билан мулоқот чоғида унинг розилигига кўра боғ қўрғонини иккига бўлиб, каттароқ бўлагини адибнинг тўнғич шогирди Саид Аҳмадга, кичикроқ қисмини энг кенжа шогирди Абдуллажонга топширади. Ўша кундан бошлаб опа кечалари тинч ухлайдиган, тушида Абдулла акани ўша таниш боғда оромкурсига суяниб, юзида табассум билан хотиржам ўтирган ҳолда бот-бот кўрадиган бўлади...

Салкам қирқ йилдирки, бу табаррук масканда устоз эҳтиромига жавобан бу икки муносиб шогирднинг ундан-да буюк эҳтироми давом этади, устоз ёққан чироқ ўчмай келади. Бир чеккаси, устоз руҳи мадади туфайли бу икки алломанинг бу йилларда ижодий парвози тобора юксалиб, бетиним шуҳратига шуҳрат қўшилди. Иккалови, қолаверса, устоз руҳига садоқатда улардан қолишмайдиган Озод ака билан Эркинжонлар ҳам Ўзбекистон Қаҳрамони унвонига сазовор бўлдилар.

Ўша тарихий воқеа — машҳур фильмга таклиф этилган, бугун ўзлари ҳам аллақачон устозга айланган барҳаёт шогирдлар орадан қирқ йил ўтиб қўли кўксида таъзим ва эҳтиром ила улуғ устознинг юз йиллик тўйи тараддудида холис хизматга шай бўлиб турибди.

Умарали НОРМАТОВ.

САЛОМАТЛИК ПОЕЗДИ ЖИЗЗАХДА

Ўзбекистон темир йўллари акциядорлик компаниясига қарашли «Саломатлик поезди» мана бир неча кундирки, Жиззах вилоятида аҳолини тиббий кўрикдан ўтказмоқда. Кўрикка келганлар замонавий тиббий ускуналар воситасида текширилиб ташхис қўйилади.

Поездда барча турдаги касалликларни аниқлаш учун қулай имкониятлар мавжуд. Кўрик ўтказилиши текин. «Саломатлик поезди» 18 январдан 30 январгача вилоятнинг Дўстлик тумани вокзалида туриб барча ёшдаги беморларни тиббий кўрикдан ўтказмоқда. Поездда 30 нафар тиббиёт ходими келишган. Уларнинг 20 нафарини олий тоифали малакали врачлар ташкил этади, дейди «Саломатлик поезди» раҳбари Қаҳрамон Умаров.

Ўз мухбиримиз.

Тошкент вилояти Қуйи Чирчиқ тумани марказий шифохонасига қарашли «Отажонов» номли даволаш масканида 80 ўринли 6 та бўлим фаолият юритмоқда.

— Шифохонамизда хизмат қилаётган 9 нафар малакали врач, 55 нафар ҳамширалар беморларнинг соғлиғи ҳақида қайғуришни ўз бурчлари деб билишади, — дейди 30 йиллик иш тажрибасига эга малакали жарроҳ Бегижон Бакиров.

Суратда: даволаш маскани бош шифокори Б.Бакиров ҳамширалар М.Бердиқулова ва К.Абдураимовалар билан.

Хусанбой АВВАЛОВ олган сурат.

Фармон ва ижро

КАСАНАЧИЛИК — ОИЛА БЮДЖЕТИНИ МУСТАҲКАМЛАЙДИ

Республикамизда аҳолининг бандлиги ва даромадлари барқарор ўсишини таъминлашга доир вазифаларни ҳал этишда касаначиликни кенг ривожлантириш, жумладан, унинг йирик саноат корхоналари билан кооперациясини кенгайтиришга устувор аҳамият қаратилмоқда.

Йирик саноат корхоналари билан касаначилар ўртасида кооперация алоқаларининг мустаҳкамланиши оила бюджетини ошириш каби муҳим муаммони ҳал этади. Иш билан банд бўлмаган аҳоли сонини кескин қисқартириш ва уни ишлаб чиқаришга жалб этиш имконини беради. Шунингдек, касаначилар иш стажини ҳисоблаш, уларга пенсия ва ижтимоий суғурта бўйича нафақалар тайинлаш ҳуқуқи таъминланади.

Президентимизнинг «Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонида бу каби масалалар ечими ўз аксини топган.

Пахтакор туманида қарийб 59 минг аҳоли истиқомат қилади. Шундан 27 мингдан зиёди хотин-қизлардир. Улар қайси жабҳада бўлмасин фаол иштироки билан эл-юрт ҳурматига сазовор бўлишаётир. Бугун якка тартибда фаолият кўрсатаётган тадбиркорларнинг 379 нафари, соғлиқни сақлаш тизимида ишлаётганларнинг 548, таълим соҳасида хизмат қилаётганларнинг 658, фермер хўжалиги раҳбарларининг 48, туман кенгаши депутатларининг 6 нафари хотин-қизлар эканлиги ҳам буни тасдиқлаб турибди. Қаерда аёлга нисбатан эътибор, ғамхўрлик кучли бўлса, ўша ерда гўзаллигу орасталик, осойишталик, қут-барака, тараққиёт ва фаровонлик устувор бўлади. Буни пахтакорлик аёлларнинг бугунги турмуши, уларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётдаги иштирокидан ҳам билса бўлади. Туманда тадбиркорлик ва ишбилармонликка алоҳида эътибор кўрсатилган. Шулардан бири «Раъно» кичик корхонасидир.

— Мен дастлаб касаначилик йўли билан иш бошлаганман, — дейди корхона раҳбари Раъно Ёқубова. — Аста-секин оёққа туриб олдик. Ҳозир кичик корхонамизда 24 нафар хотин-қиз меҳнат қилаяпти. Улар асосан тикувчилик, зардўзлик билан шуғулланади. Бежирим, ҳам арзон маҳсулотларимизга талаб катта, уларни сўраб келувчилар кўп. Тумандаги 26 та хонадонда биз билан тикувчилик, тўқувчилик, атторлик, ипакчилик каби касаначиликнинг турли шакллари йўлга қўйилган. Бунинг афзаллик томони шундаки, уй шароитида ишлаётган аёлнинг аввало рўзғоридан, фарзандидан кўнгли хотиржам бўлади. Бошқача айтганда, оиласи ёнида оила бюджети даромадларини кўпайтириш имконияти яратиляпти.

Фармонда касаначилик асосида уйда ишлаётган фуқароларга буюртмачилар томонидан хомашё материаллари ва ярим фабрикатлар етказиб бериш ҳамда ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотишни кафолатлашда шароит яратиш кўзда тутилган. Бу касаначилик билан машғул кишилар учун айни муддаодир.

Бўрибой НОРҚУЛОВ,
«Миллий тикланиш» мухбири.

ОАВ ва жамият

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг жаҳон ҳамжамиятига жадал равишда кира бошлади. Эндиликда у ҳар соҳада халқаро андозаларга интилмоқда. Мамлакатимизга «менежмент», «бизнес», «маркетинг» сўзлари каби «паблик рилейшнз» атамаси истиқлолдан кейингина кириб келди. У инглизча атама бўлиб, жамоатчилик билан алоқалар, жамоатчилик билан ишлаш деган маъноларни билдиради. Омма эътиборини бирор ташкилот, корхона ва шахс фаолиятига тортиш, уни муайян бир томонга йўналтириш йўлидаги саъй-ҳаракат бугунги кунда Пи-Ар аталаётган шерикчилик асосидаги ижтимоий-сиёсий тузилманинг айнан ўзидир.

АХБОРОТЛАР ОЛАМИ

«Ахборотлаштириш ва паблик рилейшнз учун сарфланган бир доллар ҳарбий харажатларга сарфланган ўн доллардан қимматроқ», дейишади хорижлик мутахассислар. Ҳақиқатан ҳам, бугунги глобаллашув жараёнида ахборот муҳим аҳамиятга эга. Шу ўринда «паблик рилейшнз» нима, у жамоатчиликка қандай фойда беради, деган ҳақли савол туғилиши табиий. Ахборот тарқатишнинг бу йўналиши журналистика негизида пайдо бўлди ва у билан алоқадор равишда иш олиб бормоқда. Жамоатчилик билан алоқа қилишнинг энг таъсирчан воситаси матбуот, радио, телевидение ва интернетдир. Оммавий ахборот воситаларининг фаолият кўлами жуда кенг. Лекин унинг энг асосий вазифаси одамларни янги хабар ва маълумотлар, дунёдаги янгиликлардан хабардор қилиб туришдир. ОАВ ҳаётни ёки унинг бирор жабҳасини ёритади, зарур далил ва исботларни эълон қилади. Бироқ кўпинча бирор масала ёки муаммонинг ҳал бўлишида қатнашмайди, бу ишга аралашмайди ёки ўз ҳукмини чиқармайди. Унинг вазифаси — шу масала тўғрисидаги барча ахборот ва маълумотларни тўлиқ баён этишдир. Албатта, давлат сирлари бундан мустасно. «Паблик рилейшнз»нинг вазифаси эса оқизмай-томизмай ахборот бериш эмас, балки идора ёки бирон-бир компания, фирма ёки ташкилот билан жамоатчилик ва омма ўртасида самимият ҳамда ишонч асосига қурилган алоқани ўрнатишдир. «Паблик рилейшнз» бевосита бирор ишга аралашади, бирон-бир муаммонинг ҳал бўлишида қатнашади ва бунинг учун унга, янада аниқроқ айтадиган бўлса, пиарменга ҳақ тўланади. Журналистга ахборот узатгани ёки бирон-бир муаммони юзага олиб чиққани учун ҳақ тўланади. «Паблик рилейшнз» хизматларининг 65 фоизи оммавий ахборот воситаларига боғлиқ. Яъни у турли хил мақолалар чоп этиш, радио ва телевидение орқали ҳар хил тадбирлар ўтказиши ҳам керак.

Аслида оммавий ахборот жараёнининг жозибадорлиги бешта техник хусусиятга алоқадордир. Улар сақлаш, узоқ сарҳадларга узатиш имконияти, кўп марта қайта намойиш этиш, ахборот тингловчи аудиториянинг кенглиги ва оммавий ахборот воситаларининг ўзиниўзи бошқариб туриши кабилардир. Эришилган тажрибалар шуни кўрсатадики, оммавий ахборот воситаларининг «паблик рилейшнз» самарадорлигини оширишдаги ўрни катта, яъни ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир. Биз оммавий ахборот воситалари деганда радио, телевидение ва матбуотни тушунамиз. Улар воқеа-ҳодисаларга ўз хусусиятларидан келиб чиқиб ёндошишади. Тараққий топган дунёда радио энг кўп тарқалган оммавий ахборот воситаси саналади. Шуниси ҳам аҳамиятлики, радио ҳар қандай аудитория учун қулай ахборот воситасидир. Сир эмас, оддийгина радио «қутича» телевизордан ва ҳаттоки газета ёки журналнинг бир йиллик обуна баҳосидан анча арзон туради. Инсон миясининг овозли узатилган ахборотни кўпи билан 20 фоизини қабул қилиш ва эслаб қолишга қодир. Радионинг яна бир объектив камчилиги шундаки, радиоэшиттиришни такрор эшитиш, тинглаш имкони йўқ. Содда қилиб айтганда, радиоэшиттиришнинг тезлиги жиҳатидан узатилаётган ахборотни кейинчалик таҳлил қилиб кўриш ёки бошқалар билан муҳокама этиш мақсадида қоғозга ёзиб олишга кўпинча улгуриш қийин кечади. Радиоэшиттиришларни магнит тасмага ёзиб олиш эса омма орасида кенг тарқалмаган.

Украиналик пиаршунос Г.Почепцов таъкидлаганидек: «Инсонлар газетадагидан кўра телевидение орқали анча кўп нарсаларни кўришлари мумкин. Телеэкранда бериладиган 69 фоиз ахборотлар сўз билан таърифланмайди. Янгиликларнинг овозли таърифланганини 16 фоиз кишилар, фақат тасвир билан таърифланган янгиликларни эса 34 фоиз кишилар эслаб қолишади». Албатта, телевидение ҳам ўзига яраша баъзи объектив камчиликлардан холи эмас. Телевидениеда радиодагидек оперативлик етишмайди — телевизион суратга олиш, кассеталарни транспортда етказиб бериш, монтаж қилиш маълум вақтни талаб этади. Телевидение техник жиҳатдан ҳудудий маънода — катта оралиқ масофалар, табиат қаршиликларида ҳам, молиявий маънода, яъни телевизорларнинг нархи жиҳатидан ҳам аҳоли имкониятларига ҳамиша мос келавермайди.

Газета ахборотни узатишда оперативлик бўйича радиодан устун эмас, телевидение ҳам бу соҳада радионинг олдига туша олмайди. Шунинг учун одатда радио қисқа шаклда бўлса ҳам юз берган воқеа тўғрисида биринчи бўлиб хабар беради. Орадан вақт ўтгач, телевидение унинг айнан қандай юз берганини намойиш этади. Фақат келаси куни, баъзида эса ундан ҳам кечроқ ўқувчи газета олади ва нима учун айнан шу воқеа юз берганини мантиқан изоҳлаб берувчи мақолани ўқийди. Таҳлил қилиш матбуотнинг асосий устунлигидир. Шундай бўлса-да, газетанинг таҳлил қилиш имконияти ҳам баъзи камчиликлардан холи эмас. Ҳар қандай газета эмоционал таъсир кўрсатиш соҳасида радио ва телевидениедан устун эмас. Бироқ матбуотда айтилган сўзга қайта мурожаат этиш, унинг устида ўйлаб кўриш мумкин. Газетани дўстларга ва танишларга ўқишга бериш, кейин ўқилганларни биргаликда муҳокама қилиш, газетадан қирқиб олинган материаллардан тўплам яратиш ҳам мумкин. Газетанинг яна бир муҳим ютуғи обуна алоқасида ўзининг доимий аудиториясига эгалигидир. Бу эса матбуотнинг «ўз» аудиториясига таъсир кўрсатиши доимийлигини таъминлайди.

Теле ва радио ахборотлар тезда эътиборни тортади, бироқ тезда унутилади. Газета ёритган мақола эса хотирада узоқ муддатга сақланиб қолади. Юқоридагиларни инобатга олсак, ОАВнинг ҳамма турлари ҳам камчиликларга эга. Шунинг учун «паблик рилейшнз»ни амалга оширишда битта яғона оммавий ахборот воситасини танлаш ва у билан чегараланиш мумкин эмас, деган хулосага келиш ўринли.

Акбар ЭШМУРОДОВ.

УЯЛИ ТЕЛЕФОНИНГИЗ БОРМИ?

ёки одоб-ахлоқ борасидаги айрим қусурлар ҳақида

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

бир қисми ҳам шу юртда тайёрланади, дунёни ҳамиша лол қолдиради. Алоқибат, салом беришдан тортиб, оиладаги муносабатлар ҳам япон халқида минг йиллар мобайнида ўзгармаган, эҳтимол. Уларнинг ўзига хос ҳалимлиги, маданияти ҳам аллақачон Ғарб кишиларининг эътирофига сазовор бўлгани бор гап. Энг ҳайратланарлиси шундаки, улар шунча ишни қойиллатиб қўйиб ҳам кибранишни билмайдилар. Юртларига келган хорижликларга қўлларини кўксида тутганларича таъзим қилиб, кутиб оладилар.

Миллий қадриятларимиз неча асрлардан буён ҳамиша ўзга мамлакатлардан келганларнинг ҳавасини келтирадиган юртимизда наҳотки муомала маданияти пасайиб кетган бўлса? Миллий урф-одатларимизни сақлаш, катталарнинг олдида кичикларнинг камроқ сўзлаши, тинглай билиш маҳорати ва ниҳоят, ўзаро муносабатлардаги ахлоқ қоидаларининг унутилаётгани нимани кўрсатади? Балки бу борада ҳам етарли тарғибот ва ташвиқот олиб борилмаётгандир? Биз фарзандларимизга энг замонавий компьютер олиб бериб, ўз бурчимизни аъло даражада бажардик, деб хотиржам бўлиб қолмаяпмизми? «Яхшиликнинг ҳам бир ёмон томони бўлиши мумкин» деган пурҳикмат нақл маъзини бир чақиб кўрсак, зарар бўлмас. Айтайлик, маиший турмушимиздаги асосий ва керакли манбага айланган электр қувватисиз яшашни тасаввур қила олмаймиз, албатта. Бироқ ундан нотўғри фойдаланиш туфайли не-не фалокатлар келиб чиқиши, аксар ҳолларда инсонлар умрига зомин бўлиши ҳам ҳаётда учраб турадиқу. Ҳар нарсанинг меъёрини унутиб қўйсак, оқибати яхшиликка олиб бормаслиги хотиримиздан кўтарилмоқдами? Худди шу каби ҳар қадамда, ишдами ёки ўқишдами, қўлларида уяли телефони бор катта-ю кичикка кўп ҳам аҳамият бермай қўйдик. Бундан бешолти йил аввал эса «фалончининг «сотка»си бор эканми?» дея ҳайратимизни яшира олмас эдик. Энди эса институт ёки коллежда ўқиётган талабалар у ёкда турсин, ҳатто, мактаб ўқувчиларининг қўлларида ҳам ана шундай ихчам телефонлар пайдо бўлганига кўникиб қолдик. Аксарият вақтларида турли тўгаракларга ёки репетитор муаллимларни ҳузурига шошилаётган йигит-қизларга ўзбекона лутф, муомала маданиятини ўргатишга катталарнинг фурсатлари етмай қолаяпти, шекилли. Боиси қўлларида «сотка» тутган йигит-қизларнинг кийинишларида, ўзларини тутишларида ана шундай «ўта бандлик»ни сезиш мумкин. Эрта баҳордан то кеч кузга қадар навниҳол қизлар киндиклари атрофини икки қарич очиб юришлари, қадди-қоматларини иложи борича кўз-кўзлашга интилишлари нимани кўрсатади? Ундайларга гапиргандан не фойда, ўз отаонасидан ололмаган тарбияни бегонадан олармиди, деймиз...

Ушбу сатрлар уяли телефон орқали уч нафар йигитнинг киши дилини ғаш қилувчи суҳбатлари сабаб қоғозга тушди. Балки бу каби нохушликлар бошқаларнинг кўз ўнгида ҳам бўлиб ўтаётгандир? Одатда уяли алоқа воситасидан илк маротаба фойдаланадиган мижозга турли хилдаги рангли ва рангсиз эслатмалар бепул тарқатилади. Балки ўша эслатмалар қаторида уяли алоқа воситасидан фойдаланишда ахлоқ ва одоб қоидаларини четлаб ўтмаслик ҳақида ҳам одобли сўзлардан иборат эслатмаларни тарқатиш зарурати бордир? Бу борада радионинг энг кенг тарқалган тўлқинларидан самарали фойдаланиш, махсус реклама роликларини қайта-қайта эфирга узатишдан ҳам фойдаланиш зарурдир?

Автомашинани бошқариш барорида уяли алоқадан бемалол фойдаланаётган ҳайдовчи йўловчиларнинг ҳаётларини хавф остига қўйиши ҳам ҳаётда ўз исботини топган. Бу борада Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 21 ноябрдаги «Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори айни муддао бўлди. Мазкур қарорга биноан 2007 йил 1 январдан бошлаб, ҳайдовчиларнинг транспорт воситасини бошқариш чоғида телефондан фойдаланиши таъқиқланди.

Мутахассис шифокорларнинг таъкидлашларича, ҳайдовчи уяли алоқа воситасидан фойдаланган чоғида атрофни кўриш қобилияти сусаяр экан. Демак, ҳукуматимизнинг бу қарори уяли алоқа воситалари билан боғлиқ йўл ҳаракати ҳодисаларини қисқартиради.

Таълим ишларига жиддий эътибор берилаётган юртимиздаги мактаб, коллеж ва институтларда маънавият дарслари алоҳида фан сифатида ўқитилиши амалда жорий этилган. Ана шундай сабоқлар пайтида мавзудан бироз чекинган ҳолатда бўлса-да, телефонда гаплашиш одоби, айниқса, қўл телефонидан қай йўсинда фойдаланиш мумкинлиги ҳақида ҳам тушунча бериб борилса, фойдадан холи бўлмас эди.

Юртимиз кишилари асрлар давомида миллатимизга кўрк бўлиб келаётган одоб-ахлоқ, тарбия, муомала маданиятимизни, миллий қадриятларимизни унутмасликлари лозим. Токи келгуси авлодлар бизни нафақат яратувчан ва бунёдкор, балки ўзига хос маданияти билан дунёга танилган аждод деб фахрлансинлар.

Гулчеҳра ЙЎЛДОШЕВА,
Феруза МИРЗАОЛИМОВА.

Долзарб мавзу

ПАСПОРТИНГИЗ ЖОЙИДАМИ?

Яқинда Тошкент вилояти ички ишлар идоралари жойларда турли кўринишдаги ҳуқуқбузарликларга қарши кураш, унинг олдини олиш, фуқаролар осойишталигини сақлаш, чегараларимиз дахлсизлигини таъминлаш, ҳудудимизга ноқонуний кириб келган чет эл фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахслар ҳамда паспорт — виза қоидаларини бузиб яшаётганларни аниқлаш, - уларга нисбатан қонуний чоралар кўриш мақсадида тадбир ўтказди. Мазкур тадбир бўйича дастлаб режа ишлаб чиқилиб, сўнгра шаҳар, туман ИИБларида ишлар ташкил қилинди.

Бунга 160 нафардан зиёд ходим жалб этилди. Тадбир давомида маҳалла фуқаролар йиғинлар вакиллари, маҳалла посбонлари иштирокида ўқув юртларида, гузар ва маҳаллаларда "Паспортим-фахрим", "Виза тартиби қоидаларини биласизми?" каби мавзуларда учрашувлар ўтказилди. Унда паспорт ҳар бир фуқаронинг миллий ифтихори эканлиги, паспорт қоидаларини бузмаслик лозимлиги уқтирилди.

Тадбир давомида 105 та паспорт-виза тизими бўйича қоидабузарлик ҳолатлари қайд этилди. Шулардан 15 нафар шахс мамлакатимизга визасиз кириб келган. 25 нафари эса виза муддатини ўтказиб юборган. 44 нафар шахс вақтинча рўйхатдан ўтмаган. 6 нафар фуқаро эса шахсини тасдиқловчи ҳужжатсиз эканлиги аниқланди. 15 нафари эса яшаш гувоҳномасининг амал қилиш муддати ўтиб кетса ҳам хотиржам юраверган.

Масалан, фуқаролиги бўлмаган Г.Байназарова ва МДҲ фуқароси С.Лосева Ўзбекистон Республикасида доимий яшаш гувоҳномаси муддатини ўз вақтида узайтирмаганлиги сабабли уларнинг ҳар бирига энг кам ойлик маоши миқдорида жарима солинди. Паспорт тизими қоидаларининг назорати бўйича ўтказилаётган тадбир давомида Олмалиқ шаҳрида доимий яшовчи 1964 йилда туғилган Х. Жорлохов ўз уйида фуқаролиги бўлмаган шахслар — акаси ва келинойисини вақтинчалик рўйхатдан ўтказмасдан яшашларига йўл қўйганлиги аниқланиб, уларнинг ҳар бири 40 000 сўмдан жаримага тортилди.

Ахир, халқимизда "Бугунги ишни эртага қўйма", деган гап бор-ку, қолаверса, вақтида амалга оширилмаган ҳар қандай иш ҳамёнга зиён келтириши аниқ. Бу юртдошларимизни ҳушёр бўлишга ундаса ажабмас.

Тадбир давомида аниқланган 56 та қоидабузарлик ҳолатлари бўйича жами 695520 сўм жарима ундирилди. 30 нафар МДҲ фуқаролари республикамиз ҳудудидан чиқариб юборилди, шахсини тасдиқловчи ҳужжати бўлмаган шахслар эса реабилитация марказига жойлаштирилди.

Шерали АНВАРОВ,
Тошкент вилояти ИИБ Матбуот маркази катта инспектори, капитан.

Адибахон ҒАЙРАТ қизи,
журналист.

2007 йил — Ижтимоий ҳимоя йили

ФАРОВОН ҲАЁТ ГАРОВИ

Мамлакатимизда аҳолининг ижтимоий муҳофазаси имкониятларини амалга ошириш ҳамда унинг ижросини назорат қилиш мақсадида кўплаб ҳужжатлар қабул қилинган. Президентимизнинг "2007-2010 йилларда ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни аниқ ижтимоий муҳофаза қилиш ва уларга ижтимоий хизмат кўрсатишни янада кучайтириш чора-табирлари Дастури тўғрисида"ги Қарори ҳам ана шу мақсадни кўзлаб қилинган эзгу ишдир. Ундан кўзланган асосий мақсад аҳолининг ижтимоий таъминотга бўлган эҳтиёжини тўлароқ қондириш, ижтимоий хизмат кўрсатишни такомиллаштириш орқали уларнинг муҳофазасини янада кафолатлашдан иборатдир.

Бу дастур тўрт йил давомида амалга оширилиши лозим бўлган аниқ мақсадларни — ўттизга яқин тадбирни ўз ичига қамраб олади. Хусусан, ижтимоий хизмат кўрсатиш тизимини кучайтириш бўйича ёлғизларга реабилитация техник воситалари, яъни ногиронлик аравачалари, эшитиш мосламалари, ҳасса, қўлтиқтаёқлар ва бошқа керакли буюмларни бериш, ижара пунктларини ташкил этиш мўлжалланган. Бу эзгу тадбир мавжуд эҳтиёжларга қараб республикамизнинг 136 туманида амалга оширилади. Аҳамиятли томони шундаки, айрим хонадонлар реабилитация техник воситаларини оилавий бюджетдаги тақчилликлар туфайли ололмасликлари мумкин. Ана шундай ҳолатда ижара пунктлари уларнинг оғирини енгил қилади. Бу эса ўз навбатида амалга оширилаётган ишларнинг самарасини янада оширади ва аҳолининг ижтимоий муҳофазасини таъминлашга хизмат қилади.

Конституциямиз фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муайян тизимга солиб, кафолатлаб берадиган юридик ҳужжатдир. "Ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эгадир. Суд ҳукми билан тайинланган жазони ўташ тартибидан ёки қонунда кўрсатилган бошқа ҳоллардан ташқари мажбурий меҳнат тақиқланади", дейилади Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 37-моддасида. Энг аввало, бир жиҳатга эътибор бериш керакки, бугунги кунда меҳнат қилиш бурч эмас, ҳуқуқий аҳамият касб этаётир. Ушбу қоида Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларациясининг 23-моддасига тўла мос келади. Миллий қонунчилик тизимимиздаги бир қатор қонун ҳужжатлари — Меҳнат кодекси, Аҳолини иш билан таъминлаш, Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунларда янада тўлдирилган. Жорий қонунчиликка кўра, барча фуқаролар меҳнат ҳуқуқларига эга бўлиш ва улардан фойдаланишда тенг имкониятга эгадирлар. Жинси, ёши, ирқи, миллати, тили, ижтимоий келиб чиқиши, мулкий ҳолати ва мансаб, мавқеи, динга бўлган муносабати, эътиқоди, жамоат бирлашмаларига мансублиги, шунингдек, ходимларнинг ишчанлик хусусиятларига ва улар меҳнатининг натижаларига алоқадор бўлмаган бошқа жиҳатларга қараб меҳнатга оид муносабатлар соҳасида ҳар қандай чеклашларга ёки имтиёзлар белгилашга йўл қўйилмайди. Меҳнат соҳасида меҳнатнинг муайян турига хос бўлган талаблар ёки давлатнинг юқорироқ ижтимоий муҳофазага муҳтож бўлган шахслар тўғрисидаги алоҳида ғамхўрлиги билан боғлиқ фарқлашлар камситиш деб ҳисобланмайди. Шуни ҳам эслатиб ўтиш лозимки, унумли ва ижодий меҳнат қилишга бўлган ўз қобилиятларини тасарруф этиш ва қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган ҳар қандай фаолият билан шуғулланиш ҳар кимнинг мутлоқ ҳуқуқидир. Ихтиёрий равишда иш билан банд бўлмаслик жавобгарликка тортиш учун асос бўлмайди.

"Ҳар ким қариганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда, шунингдек, боқувчисидан маҳрум бўлганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқига эга", дейилади ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 39-моддасида.

Қариганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда, шунингдек, боқувчисидан маҳрум бўлганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда олиш мумкин бўлган пенсиялар турлари ва уларни олиш шартлари Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексида тўлиқ белгилаб қўйилган. Мазкур қонун ҳужжатида ёшга доир, ногиронлик ва боқувчисини йўқотганлик пенсиялари кимларга нисбатан берилиши ва уни олиш тартиби кўрсатиб ўтилган бўлиб, энг муҳими Ўзбекистон Республикасининг Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисидаги қонунига мувофиқ тўланадиган пенсияларга солиқ солинмайди, дейилади. Бу ногирон ва қариялар аҳволини яхшилашга доир қилинган ижобий қадамлардан биридир. Ҳаётдаги бирдан-бир бахт бу доимо олға интилишимиздир, деган экан буюк мутафаккир Эмиль Золя. Ижтимоий соҳадаги ислоҳотлар эса бизнинг ҳуқуқий фуқаролик жамияти сари ташлаган олға қадамимиздир.

Иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлар инсон ҳуқуқларининг таркибий қисми бўлиб, уни амалга ошириш ҳар бир шахснинг ўзига боғлиқ. Ижтимоий ҳуқуқлар кундалик яшаш шароитларида энг кўп фойдаланиладиган ҳуқуқлардир. Ҳар қандай шароитда ҳам аҳолини иш билан таъминлаш муҳим ўринда туради. Кадрларни иш билан таъминлашда танлов жараёнини юзага келтириш керак. Шу орқали малакали, ўзига юкланган вазифа юзасидан масъулиятни ҳис қиладиган номзодларни ишга жойлаштириш, аҳолининг яшаш шароитини яхшилаш ишсизликка барҳам беришда биринчи ўринда турадиган вазифалардандир. Иш ўринларини кўпайтириш, яъни қўшма корхоналар ташкил этиш орқали аҳолини уларга жалб қилиш ёки чет элда муддатли иш ўринларини яратиш ва уларга маҳаллий идоралардан ишсиз сифатида рўйхатга олинган фуқароларни юбориш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Шунингдек, меҳнатга лаёқатсиз кишилар, қариялар, ногиронларни ижтимоий ҳимоялашда маҳаллий бошқарув идоралари ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ролини ошириш зарур.

Бу борада қилинадиган ишлар кўлами жуда кенг. Энг муҳими, уларни босқичма-босқич амалга ошириш талаб этилади. Зеро, кучли ижтимоий ҳимоя фаровон ҳаёт гаровидир.

Элёрбек АБДУМУРОДОВ,
Тошкент давлат юридик институти талабаси.

Мерос касб

Тошкент шаҳрининг Шайхонтоҳур туманида истиқомат қилувчи қўли гул уста Боқижон Султоновга сандиқчилик касби отасидан мерос.

— Ҳунармандлар сулоласининг тўртинчи авлодиман, — дейди уста. — Ҳозирда отамдан ўрганган касбимнинг сир-асрорларини шогирдларимга ҳам ўргатмоқдаман.

Суратда: уста Боқижон Султонов шогирди билан.

Азамат АҲМАД олган сурат.

Саломатлик сирлари

ТЎҒРИ ОВҚАТЛАНИШДА ГАП КЎП

Ўтган асрнинг саксонинчи йиллари охирлари эди. «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасида ишлардим. Бир куни Қашқадарё вилоятининг Китоб туманидан шикоят келди. Унда бир ёш аёл врачларнинг масъулиятсизлиги туфайли чақалоғи нобуд бўлганини куюниб ёзганди. Шу хат туфайли хизмат сафарига жўнадим. Бориб чақалоқнинг нобуд бўлиш сабабларини ўргандим, врачлар, бошқа мутахассислар билан суҳбатлашдим. Маълум бўлишича, онанинг қамқонлиги туфайли бола хаста туғилган ва вафот этган. Ўшанда туман марказий касалхонаси туғруқхонаси мудири менга бир аянчли фактни айтиб қолди: туман аёлларининг салкам 70 фоизи анемия хасталигига чалинган экан.

— Мутахассислар анемияни экологиянинг бузилиши билан боғлашади, — деди мудир. — Лекин бу нотўғри фикр. Ахир, Китоб экологик жиҳатдан республикадаги энг тоза туман-ку. Тоғда яшайдиган аёлларнинг ҳам 65-70 фоизи камқон.

Тўғриси, мудирнинг гапи мени бироз ўйлантириб қўйди. Сафардан қайтгач, врачлар билан суҳбатлашдим, нима учун камқон беморлар Ўзбекистонда бунча кўп эканлиги билан қизиқдим. Лекин ҳеч кимдан аниқ жавоб олмадим.

Мана, шундан буён орадан 15 йилдан кўпроқ вақт ўтди. Ўтган йили Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда «Ўздонмаҳсулот» компанияси кўмагида ЮНИСЕФнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси ва Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмаси Унни бойитиш миллий дастури доирасида семинар ўтказди. Мен ҳам ўша тадбирда иштирок этдим. Қарангки, шу ерда бундан 15 йиллар олдин пайдо бўлган саволга жавоб топдим. Семинарда иштирок этган мутахассислар, Марказий Осиё республикаларида анемия билан оғриган беморлар кўплигининг асосий сабабларидан бири, аҳолининг чой ичиш маданиятига амал қилмаслиги эканлигини таъкидлашди.

— Камқонлик инсон организмида темир моддаси етишмаслигидан келиб чиқади, — дейди Гематалогия ва қон қуйиш илмий текшириш институти қошидаги Камқонлик маркази раҳбари, Соғлиқни сақлаш вазирлиги болалар бош гематологи Дилором Сулаймонова. — Темирни организм озиқ-овқатлардан олади. Юртимизда етиштириладиган барча маҳсулотлар темирга бой. Лекин шундай бўлса-да, камқонлар кўп. Бу муаммога илгари унчалик эътибор берилмаган. Фақат 1996 йилда чет эллик мутахассислар масалани жиддий ўрганиб чиқдилар ва Марказий Осиёда яшовчи халқларда анемия хасталигининг кўп учрашига чой сабабчи деган хулосага келишди.

Халқимиз, ҳақиқатан ҳам, чой ичишни яхши кўради. Лекин мутахассисларнинг қайд этишича, чойда озиқ-овқатлар таркибидаги темирнинг организмга сингишига халақит берадиган танин моддаси бор. Овқатланиш жараёнида чой ичсангиз, гўшт маҳсулотларидаги темирнинг 5-40 фоизи, бошқа маҳсулотлардаги темирнинг 70-100 фоизи организмга сингмас экан. Чойдан ташқари кофе, какао ҳам шундай хусусиятга эга.

Healthy Food
Sog'lom Mahsulotlar

Бу гап билан мен чой ичмаслик керак, демоқчи эмасман. Чой таркибида фойдали элементлар кўп. Лекин уни, шу билан бирга кофе ва какоани ҳам меъёрида, энг асосийси, вақтида ичган маъқул. Масалан, олимлар бу ичимликларни овқатланиб бўлгандан сўнг 30-40 дақиқа ўтгач ичишни тавсия этишади. Мен ўрганиб кўрдим, Ҳиндистон ёки Грузиядек чой етиштирувчи мамлакатларда аҳоли чойни жуда кам истеъмол қилар экан. Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти 3 ёшгача бўлган болаларга чой беришни мутлақо тақиқлаган. Чунки бола организми чойга мутлақо муҳтож эмас. Бундан ташқари, чой таркибида кофеин моддаси бор. Болани чойга ўргатиб қўйиш яхши оқибатларга олиб келмайди.

Айримлар чойни бизнинг миллий ичимлигимиз дейишади. Аслида ундай эмас. Чой бизга Буюк Ипак йўли орқали кириб келган. Четдан келтирилгани учун қиммат бўлган. Аҳоли, асосан, қайноқ сув, далачой, ялпиз, кийик ўт, турли мевалар баргларини дамлаб ичган. Масалан, беҳининг баргидан жуда ёқимли ичимлик дамлаш мумкин.

Мутахассислар камқонликнинг олдини олишда тўғри овқатланишнинг аҳамияти катта эканлигини кўп таъкидлашади. Масалан, дуккакли ўсимликлар — мош, ловия, нўхат темир моддасига жуда бой. Улар бемалол гўшт ўрнини боса олади. Ота-боболаримиз буни яхши билишган, дуккакли ўсимликлар меваларини кўп истеъмол қилишган.

Дон маҳсулотлари эса нафақат темирга, балки оқсилга ҳам бой. Бундан ташқари, кўкатлар, мева ва сабзавотлар, қуруқ меваларни ҳам тез-тез истеъмол қилиб туриш лозим. Яна бир гап. Аёлларимиз турли мевалардан мураббо ва консервалар тайёрлашни хуш кўришади. Лекин врачлар маҳсулотларни иложи борича қайнатмасдан истеъмол қилишни тавсия этишади. Чунки маҳсулот қайнатилганда ундаги фойдали витаминлар нобуд бўлади. Шунинг учун мевақоқи, қуруқ мева, шунингдек, ачитқилар — қатиқ, сузма, қимиз кўпроқ фойдали.

Гап овқатланиш ҳақида кетганда, яна бир гапни қайд этишни истардим. Ҳеч кимга сир эмас, болаларимиз шакар чой ичишни, умуман ширинликни яхши кўради. Лекин Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти тавсиясида уч ёшгача бўлган болаларга шакар бериш мумкин эмаслиги айтилган. Врачларнинг таъкидлашича, шакар организмга вақтинча энергия беради. Ёш бола энергияга муҳтож эмас. Шакар тишнинг чиришига, қандли диабет, аллергия каби касалликларнинг келиб чиқишига сабабчи бўлади. Бундан ташқари, иштаҳани бўғади, гижжани кўпайтиради. Бундан келиб чиқадиган хулоса шуки, ҳар бир одам овқат истеъмол қилишдан олдин нима еяпман, унинг организмимга қандай фойдаси бор деб, ўзига савол бериб кўриши лозим.

Мамлакатимизда 2004 йилдан бошлаб Унни бойитиш бўйича миллий дастур амалга оширила бошланди, биз ҳар куни истеъмол қилаётган ун инсон организми учун зарур бўлган темир ва бошқа фойдали элементлар билан бойитилаяпти. Бугунги кунда бу иш барча вилоятларда йўлга қўйилди. Бир сўз билан айтганда, юртимизда анемиядек хатарли касалликни камайтириш йўлида улкан ишлар амалга оширилмоқда. Аҳоли ўртасида тўғри овқатланиш маданиятини янада юксалтириш эса, бошланган бу хайрли ишнинг янаям самаралироқ натижа беришини таъминлайди.

Беккул ЭГАМҚУЛОВ.

Ўзбек феъли

САВОБ

Нафиса хола белига фартук тутиб олганча ошхонада овқат пишириш билан банд. У киши ўзи шунақа, бўш қолди дегунча бир нималарни ўйлаб топади. Назарида пазандаликда унга етадигани йўқ. Тайёр бўлган ошни кавларкан, қилган ишидан қувониб, худди ёш боладек ўзига-ўзи кулимсиради. "Ўлдирса ҳам, ош ўлдирсин", деганларича бор-да, ширин чиққанга ўхшайди. Роҳатой хола худди шунақасини, чойхона паловни ёқтиради. У косага овқат сузаркан, набирасини чақирди.

— Фаррух, Фар-р-у-х.

— Лаббай, бувижон, ҳозир.

Ичкаридан Фаррухнинг овози эшитилди.

— Дарсингни тайёрлаб бўлдингми?

— Ҳа, қушларимга овқат бераётгандим.

— Қўлингни ювгин-да, бу ёққа қара.

Фаррух югуриб ошхонага кирди.

— Яна овқат олиб чиқиш керакми? — сўради эринчоқлик билан.

— Ҳа, болам, манави овқат билан иссиққина сомсани олгин-да, Роҳатой холангникига ташлаб чиқкин. Бир ўзлари ҳеч нарса емай ўтиргандирлар. Хоҳласанг, холанг билан овқатланақол, иккингизга етадиган қилиб суздим.

— Бувижон, нега доим шу қўшнимизга овқат олиб чиқамиз, ўзлари пиширолмайдиларми? — сўради Фаррух.

— Нега пиширолмас эканлар, илгари холанг сени ширин-ширин овқатлар билан меҳмон қилардилар, унда жуда ёш эдинг, эсингда йўқдир-да.

— Илгари пиширган бўлсалар нега ҳозир ўзлари овқат тайёрламайдилар?

— Ҳозир холангнинг тоблари йўқ. Ундан кейин ўзлари ёлғиз яшаганлари учун ҳеч нарса тайёрлагилари ҳам, егилари ҳам келмайди, сен олиб чиқсанг хурсанд бўладилар, биласан-ку сени яхши кўришларини. Холангнинг дуоларини олсанг, кам бўлмайсан, савоб бўлади, ўғлим. Энди боракол, овқат совимасин, — деди Нафиса хола.

(Давоми 4-бетда).

Китобингизни ўқидим

МЕҲР ТУТИБ ТУРАР ДУНЁНИ

ёки ёзувчи Тилаволди Жўраевнинг «Бозор дунё» романи ҳақида мулоҳазалар

«...романнинг фазилатлари ва албатта, ундаги баъзи жузъий камчиликлар ҳақида яна мулоҳазалар билдириш мумкин. Шунинг учун мен мулоҳазаларимга шу ерда нуқта қўйиб, Сизни ўйлашга, мунозарага чақираман. Балки менга ёки ёзувчига айтадиган гапларингиз бордир? Эҳтимол, бизнинг айрим мулоҳазаларимизга қўшилмассиз? Марҳамат!»

Ҳурматли устоз Йўлдошали Солижонов!

Мен юқоридаги жумлаларни Сизнинг «Бозор дунё» романига ёзган «Чала тақдирлар драмаси» сарлавҳали сўз бошингизнинг охирги бандидан кўчириб олдим. «Балки менга ёки ёзувчига айтадиган гапларингиз бордир», — деганингиз учун аввало Сизга мурожаат қиляпман.

Биз Сизни адабиётимизнинг билимдони, ҳатто сўз боши мавзусида ҳам тадқиқот ўтказган, адабиётимизнинг энг нуфузли газетасида бу ҳақда каттагина мақола эълон қилган зукко адабиётшунос олим сифатида ҳурмат қиламиз. Сиз ўз сўз бошингизда асарни жуда холис баҳолагансиз ва уни яхши таҳлил қилиб бергансиз. Ундан олим ва ижодкорнинг нафаси шундоққина уфуриб турибди. Фақат ўзингиз ҳам эътироф этганингиздек, у бир оз чўзилиб кетган — етти саҳифали сўз бошининг деярли ярми асар воқеалари баёнига бағишланган.

Энди ёзувчига айтадиган гапларимизни айтишга киришсак. Мулоҳазаларимизни билдиришга қулай бўлиши ва энг муҳими, ҳамма саъй-ҳаракатларимиз алалоқибат уларга қаратилганлиги учун нутқимизни «китобхон»га қаратишни маъқул топдик.

Ҳурматли китобхон! Мен «Бозор дунё» романи муаллифини аввал Фарғона давлат университетида, кейин «Фарғона» нашриётида бирга ишлаган, унчамунча иссиқ-совуқ кунларни биргаликда бошдан кечирган киши сифатида яхши биламан, деб юрар эдим. Аммо одамни, айниқса, серқирра истеъдодни қанча кўп бирга бўлсанг ҳам тўлиқ биламан, деб айтиб бўлмас экан. «Бозор дунё»ни ўқиганимдан кейин бунга яна бир карра амин бўлдим.

Бир қарашда юрагида гап сақламайдигандай, анча-мунча гапларини файзли суҳбатлари-ю оҳанрабо қўшиқлари, қолаверса, ихчам-ихчам насрий асарлари орқали айтиб оладигандай туюладиган Тилаволди Жўраевнинг қалбида романларга сиғмайдиган армонлари, дарду ўйлари борлигига, рости, қойил қолдим.

Аслида катта истеъдод эгалари одамларни доим қойил қолдириб яшайди. Жумладан, Тилаволди Жўраев илгари ҳам бизни кўп қойил қолдирган. Ўрни келганда уларнинг айримларини эслаб ўтишга тўғри келади. Саксонинчи йилларнинг ўрталарида бир тўйдан қайтаётиб ҳол-аҳвол сўраш ниятида уйларига кирганимизда вақт алламаҳал бўлганига қарамай, Тилаволди ака ёзув машинкасини чиқиллатиб ўтирган экан. Машинкадаги қоғоз саҳифасига қарадим — 189! «Тўйма-тўй юравермай ишлаш керак, Сиддиқ Мўмин!», — деб қўйдим ичимда унга қойил қолиб. Ўшанда Тилаволди акани на олим, на ёзувчи сифатида ҳеч ким билмас эди. Бугун эса олим, таржимон, ёзувчи сифатида элга танилди.

«Қишлоқликлар» ҳикоялар тўпламини ўқиганимда, Ж.Жойс ҳақидаги илмий рисоласини мутолаа қилганимда, ишдаги қаттиққўллик ва талабчанликларини, кўрганимда бундай қойил қолишлар кўп такрорланган.

«Бозор дунё»нинг жуда кўп саҳифаларини кўзимда ёш билан ўқидим. Аниқ биламанки, адибнинг ўзи ҳам бу саҳифаларни йиғламасдан ёза олмаган. Юртига, Ватанига нисбатан чексиз муҳаббати бўлмаган одам қўлига қалам ушламайди. Айниқса, бундай ижтимоий мавзудаги катта романни ёзиш учун қаламкашнинг қалби армонга, юраги ўлкан меҳрга тўла бўлиши керак. Дарвоқе, романнинг бош мавзуси ҳам шу. Айнан мана шу меҳрга — оналик меҳрига ташналик ҳиссини қондириш иштиёқи Нозимани билиб туриб тиконни босишга, қалтис йўлга қадам қўйишга мажбур этди. Бироқ бу у ўйлаганчалик осон кўчмади — Мансур билан Нозима ўн уч йиллик турмушларида фарзанд кўрмасалар ҳам ўртадаги ўзаро инсоний меҳр уларни боғлаб турган эди. Аммо бу меҳр ришталарини Каниза узиб ташлади. Натижада Нозима жуда кўп уқубатли кунларни бошидан кечирди. Ҳатто бир неча бор ўз жонига қасд қилишга ҳам уриниб кўрди. Бироқ уни яна оддий инсоний меҳр, кейинги ҳаёт йўлида унга тақдир рўбарў қилган Қодир Алиевичга ўхшаган софдил инсонлар ўлимдан сақлаб қолди. Айнан мана шу туйғу туфайли у ҳатто ҳомиладор бўлди. Бу ҳодиса асарда ээгуликнинг ёвузлик устидан тўла ғалабаси сифатида гавдаланади.

Ҳақиқий роман ижодкор ҳар томонлама етуклик пиллапоясига кўтарилгандагина дунёга келади. Зеро, у тажриба, билим ва маҳорат маҳсулидир. Шундагина у воқеаларнинг шунчаки баёни, қуруқ ифодаси бўлиб қолмайди. Шу жиҳатдан олиб қараганда «Бозор дунё»ни баркамол бадиий асар даражасига олиб чиққан қуйидаги усул ва воситаларни алоҳида таъкидлашга тўғри келади.

Аввало асар сюжет ва композицияси жуда мукаммал қурилганлигини эътироф этиш лозим. Оддийгина бозор тасвири (пролог)дан бошланган воқеалар аста-секин ривожланиб, конфликт, тугун ва кульминацияга кўтарилади ва охирида ечим — ёвузликнинг инқирози, эзгуликнинг ғалабаси билан тугайди. Бундай якундан китобхон тўлиқ қониқиш ҳосил қилади. Қалбида курашчанлик, яхшиликнинг ғалабасига бўлган ишонч туйғуси кучаяди, ҳаётга, яшашга бўлган иштиёқи ортади. Демак, роман ғоявий-сиёсий жиҳатдан бадиий асар зиммасига қўйиладиган талабларга тўла жавоб беради.

Асарнинг энг муҳим ютуқларидан бири унинг халқчил, ҳаётийлигидир. Унда шаҳар ва қишлоқ одамлари ўз жинси, касби, мавқеи даражасида гапиради. Китоб саҳифаларида «жой талашиб ёхуд дафъатан кириб қолган нотавон деҳқоннинг қопини тортиб жиққамушт бўлаётган овози ўткир, оғзи шалоқ бозорчи хотинлар»нинг ёқимсиз товушлари ҳам, ҳар қандай одам билан имтиҳон топшираётган талаба билан гаплашаётгандай муомала қиладиган кекса профессорнинг вазмин, шикаста овози ҳам эшитилиб туради. Ўз касби, машғулоти, феъл-атворидан келиб чиқиб Ҳайдар нати, Хатча чевар, Патти олакўз, Бабат каби лақабларни олган қишлоқ одамлари «келдимта», «ома» (аммо ўрнида), «чиқалларми?» каби Фарғона вилояти қишлоқ шеваларида, «музикални сентр» каби сўзлашув нутқига хос оҳангда гаплашса, бутун ҳаётини илм-фанга бағишлаган Наби Мусаевич нутқида «Анхел», «Венесуэла», «ҳурфикрлик», «экстремизм», «Рим цивилизацияси» каби сўз ва атамалар учрайди, ўз билими, тажрибаси туфайли катта ишларга қодир бўлган Қодир Алиевич эса раҳбарга хос салобат билан, самимий гапиради. Персонажлар нутқида «ахзон» («кулбаи ахзонимиз»), «ифшо», «берч», «лош», «сўз қичади» каби унутилиб бораётган сўз ва иборалар ҳам қўлланиладики, булар ёзувчининг халқ тилини жуда яхши билишидан далолат беради.

Асар айрим мулоҳазали, бахсталаб фикрлардан ҳам холи эмас, албатта. Жумладан, роман мавзуси, яъни дунёнинг бозорга ўхшашлиги меъёридан ортиқ — ўнга яқин ўринда (10, 124, 155, 161, 163, 184, 404, 446-саҳифаларда) деярли бир хил мазмунда таъкидланади. Миллион-миллион пулларни топишга ақли етадиган, тадбиркорликда устаси фаранг бўлган Мансур баъзи саҳифаларда (масалан, 130-) жуда содда қилиб тасвирланганки, бунга ўқувчининг ишонгиси келмайди. Айрим ўринларда персонажлар ўзлари мансуб бўлган шевада сўзламайди. «Мояна», «фаррош», «қилиб эдим», «келаётибмидингиз», «яхшидурсизки», «гўшт мол» каби жумлалар персонажлар нутқидаги табиийликка соя солиб қўйган. Асарда «Нозимани эҳтиётлаб, ўзи қизиққан нарсаларни сўрар, ҳушёрлик билан суҳбатдоши туйғуларини эҳтиётлар, кўпроқ унинг гапиришини... истарди» каби таҳрирталаб жумлалар, имловий («бир оз» ҳамма жойда қўшиб ёзилган), ишоравий хатолар ҳам учрайдики, бу каби камчилик ва нуқсонларга кейинги нашрларда албатта эътибор қаратилади, деб ўйлаймиз.

Азиз китобхон! Бу каби жузъий камчиликлар бадиий асарнинг умумий мазмунига кучли таъсир қилмайди. Энг муҳими, уни яхши ният билан ўқиб чиқсангиз, қалбингиз умид ва ишончга, ўзингиз кўпдан бери қидириб юрган меҳру муҳаббатга тўлади ва асарнинг бош қаҳрамонларидан бири бўлган Нозимага қўшилиб, қуйидаги жумлаларни баралла айта бошлайсиз:

«Бойлик берма,
майли, меҳр бер...
Ҳар кимнинг битта
ишонгани бўлсин...
Дунёни фақат меҳр
асрайди, холос...»

Сиддиқ МЎМИН,
филология фанлари доктори.

САВОБ

(Давоми. Бошланиши 3-бетда).

Фаррух эринибгина қўшни ҳовлига чиқиб кетди.

Нафиса хола эса ўғлининг орқасидан қараганча хаёлга ботди.

Ёшлигида Роҳатой хола жуда чиройли, устига-устак ақлли эди. Синфдошлари орасида аълога ўқир эди. Ота-онасининг розилигисиз севган йигити билан турмуш қурди. Озроқ вақт ўтиб ота-оналари уларни кечиришди. Роҳатой хола Бахтиёр ака билан жуда бахтиёр яшашарди. Аммо бу бахтиёрлик узоққа чўзилмади. Сабаби, фарзандсизлик уларни қийнарди. Бормаган шифокори, қўлламаган гиёҳлари қолмади. Ҳеч бири фойда бермади. Роҳатой хола буни ота-онасининг дилини оғритгани учун ўзига берилган жазо дея қабул қилди.

Охири эр-хотин шундай яшашга ҳам кўникишди. Ёшлари ўтгач бир-бирларига анча суяниб қолишганди. Икки йил аввал Бахтиёр ака вафот этиб, Роҳатой хола ўзини бутунлай йўқотиб қўйди. Кўнглига ҳеч нарса сиғмайди. Бир ўзи шифтга термулганча ётаверади.

Яхшиям шу набирам бор, — ўйлади Нафиса хола. Барака топсин Фаррухим. Холасини кўнглини олади, ишқилиб.

Унинг хаёлини Фаррухнинг овози бўлди.

— Ойижон, сизга айтгани кирдим. Холамнинг ёнларига чиқсам, улар яхши кўрадиган ёғоч стуллари бор эди-ку, ўша синиб қопти. Шуни тўғрилаб берай дегандим, болғачамни олгани чиқувдим, уйга кечроқ қайтаман. Ўзингиз овқатланаверинг, мен холам билан овқатландим. Кейинчи, ишимни тугатганимдан сўнг, уларга китоб ўқиб бермоқчиман.

— Майли болам, майли. Холангни ёнларида бўлсанг майли. Уларга фойданг тегса мен ҳам хурсанд бўламан. Дуоларини олсанг бўлгани. Дуода гап кўп, болам...

Нафиса хола хаёлга ботганча уйга кириб ўз ишларига шўнғиб кетди.

Адибахон ҒАЙРАТ қизи.



Қишнинг суви сокин оқади...
Азамат АҲМАД олган сурат.

ЯЛТ ЭТГАН ФИКРЛАР

ҲАММАСИ ҲАЁТ ҲАҚИДА

Агар сиз ҳаётга кулиб боқсангиз ҳаёт асло сизга хўмрайиб жавоб қайтармайди.

* * *

Ўтган дақиқаларни ўйлаб азоб чекиш бу ҳали олдинда турган ютуқларни бой беришдир.

* * *

Шоирлар ақлан соғлом, қалбан тирик инсонлардир.

* * *

Меҳр — дунёдаги ягона ва бебаҳо бойлик.

* * *

Фақат ширин сўз, фақат муҳаббат ҳамда эзгу амал барчамизнинг хулқ-атворимизга сингиши керак бўлган хислатлардир.

* * *

Осон эришилган нарса қадрсиздир.

* * *

Мақтов бизни ўзига мафтун этгани ҳолда чўктириши мумкин.

* * *

Лозим бўлганда сукут сақлаш, лозимида тошқин сойга дўниш, бу ҳаётга мослашиб яшамоқ ҳисобланади.

* * *

Руҳий осойишталикка эришиш, бу хазинани қўлга киритишга ўхшайди.

* * *

Қайсики, муаммонинг ечимини тополмаётган экансан, ўз-ўзингни азобга солишинг икки карра ютқазишга тенг. Бундай вазиятда ушбу муаммони вақт ҳукмига топшириб жимгина кутган маъқул.

* * *

Умидсизланиш ўзингни бахтсиз ҳис қилиш учун биринчи қадамдир.

* * *

Айтилган сўз бу рост сўз дегани эмас. Кўпинча айтилган сўз сўзлаётган кишининг манфаатига хизмат қилади.

* * *

Дунёда режасиз ҳаракат йўқ. Фақат яроқли ва яроқсиз режалар бор холос.

* * *

Ҳаётни севмаслик кўп нарсага қўл силташга олиб келади. Бунақа лоқайдлик инсонни нафақат ҳаётдан ортда қолдиради балки, тубанлик сари етаклайди.

* * *

Адолатли бўлиш бу кишилар томонидан содир этилган ҳолатлар, хатти ҳаракатларни тўғри талқин этиб хулосага келиш ҳисобланади.

* * *

Аждарҳо комидаги кишиларни кўрганмисиз? Дунё (ҳаёт) ҳам аждар кабидир. Ҳўш, уни қандай енгиш мумкин? Агар эртаклардагидек аввало кўзига найза санчиш лозим десангиз у ҳолда бу дунёнинг кўзи нафсдир.

* * *

Кимдир кимнингдир кўмагига эҳтиёж сезар экан у ҳам ўз навбатида у кишининг ҳеч бўлмаганда битта корига ярай билмоғи лозим.

Нуржаҳонбегим АВАЗОВА.

ЙЎЛДАГИ ҲАЗИЛ ҲАНГОМАЛАР

БЕРИБ КЕЛИНГ

Биз ҳам зиёрат, ҳам тижорат деганларидек, Хоразм томонларга хизмат сафарига бораётган эдик. Бир жойда йўл патрул хизмати ходими биз тушган автобусни тўхтатди. Ҳайдовчи тез орада ўрнидан туравермагач, бир отахон вақтни қизғаниб:

— Бориб келинг, — деди.

Ҳалиги тепса тебранмас ҳайдовчи эса отахоннинг гапига қулоқ солмай, шеригига секингина:

— Бериб келинг, — деди.

НАСИБАСИНИ ИЗЛАЯПТИ

Вилоятлардан биридаги йўл патрул хизмати масканига етганимизда, унинг ходимлари бир автобуснинг юкхонасини текшираётган экан. Олдинги ўриндиқда бобоси билан ёнма-ён ўтириб келаётган бир болакай уларни кўраркан, қизиқиб:

— Нимани излаяпти, бобо, — деб сўради.

Бобоси ҳазиломуз:

— Ризқ-насибасини излаётган бўлса керак, бўталоғим — деди.

ГАЗЕТА АСҚОТДИ

Йўлларда бўлар-бўлмасга тўхтайвериб, ниҳоят ярим кечаси Бухоро вилоятидан Хоразмга ўтишдаги энг сўнгги постга етиб келдик. Бахтга қарши йўл патрул хизмати ходимлари ҳайдовчининг ҳужжатларини олиб қўйди. Ҳар қанча ялинибёлворишмасин, улар ҳужжатларини қайтариб олишолмади. Сўнг мендан илтимос қилди.

Мен «бисмилло» деб автобусдан тушдим. Катта йўлнинг қоқ ўртасига ўрнатилган буткачада уч-тўрт ЙПХ ходими ўзаро суҳбатлашиб ўтиришган экан. Қисқача салом-алик қилдим-да, мендан сизларга энг яхши совға деб «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасининг янги сонини сумкамдан чиқариб бердим. Улар ашаддий газетхон экан. Талашиб қолди. Кейин биттаси «Шу автобусда кетаялсизми?» деб сўради. «Ҳа» дейишим билан автобусимиз ҳужжатларини қўлимга тутқазди. Мен дарҳол автобус томонга қараб югурдим. Ҳайдовчи қуруқ қайтмаганимни кўргач, хурсанд бўлганидан «тулпор»ини елдек учирди.

Эрта-индин менинг бу ишимдан хабар топиб, барча ҳайдовчилар йўл патрул хизмати ходимларига газета ҳадя этишни одат қилиб олса-я, деган фикр дилимдан ўтиб, йўл азобини ҳам сезмай қолдим.

Нурмамат АЛМУРОДОВ,
журналист.

Туйғу

ЖАЙРОН, НЕГА КЎЗИНГ ТЎЛА ЁШ



Тушимга жайронлар кирибди. Бир гала жайронлар, уларнинг кўзлари жиққа ёш эди. Ўйлаганинг тушингга киради дейишарди. Менда унинг акси бўлди, тушимга киргандан бери уларни ўйлайман.

Уларнинг маҳзун, мажнунсифат нигоҳларини унутолмаяпман. Негадир қачон улар ҳақида сўз очсам, кўз олдимга Мажнун келаверади.

Сиз Мажнуннинг суратини кўрганмисиз? Унинг атрофидаги жайронларни? Мажнунга жайроннинг нима дахли бор? Нега доим уларни бирга чизишади. Балки, Мажнун Лайлининг ишқида сахроларда дарбадар кезганида унинг дарддоши мана шу жайронлар бўлгандир. Балки, Мажнун жайронларнинг бўйнидан қучиб, Лайлисининг васлига етмаганлигидан оҳу нола чекиб йиғлагандир. Жайронлар бўйнидаги излар Мажнуннинг билак изларимикин? Шундан бери балки бу жонзот Мажнуннинг ҳолига йиғлар. Мажнунни соғиниб йиғлар.

Лайлининг кўзларини кўргим келди. Унинг нигоҳлари қандай бўлган экан. Агар ҳозир менга Лайлининг кўзларини чизиб бер, дейишса фақат шу жайронларнинг кўзларини чизган бўлардим. Балки, Мажнуннинг ҳолига ачинган Тангрим фаришталарни жайрон тусига киргазиб, Мажнунга ҳамроҳ қилганмикин? Шундан яралганми жайронлар?!

Аслида уларнинг исмлари жайрон эмас, вайронмикин, рости, қалби ишқдан вайронмикин?

Ижозат бер, сени жайрон дейман, сен уларга ўхшайсан, сенинг ҳам кўзларинг кулиб туриб кўз ёш тўкади. Кўз ёш эмас, дув-дув зумрад тўкади. Юзларингда жайрондек кўз ёшларнинг изи бор. Буни фақат чин ошиқларгина кўра олади. Йиғлаган пайтинг қанчалар гўзал кўринасан-а! Сенга кўз ёш тўкиш ҳам ярашади.

Минг йиллик йўл дейдилар кўз ёшнинг йўлин. Улар кипригинга чизилгунча минг йиллик йўл юриб келишаркан. Қалбдаги ғуборларни ювиш учун минг йил керак экан.

Кипригингдан улар лабинг сарҳади томон йўл олишади. Билсанг эди уларнинг бу сафарлари мени бор умримга тенглигин.

Қанча кўзлар бор йиғлолмайдилар. Тотмаганлар йиғи лаззатин. Билмайдилар ундан ишқнинг тами келишин.

Балки шу кўз ёшнинг лаззати Машрабни девона, Қайсни Мажнун қилгандир.

Юр жайрон синглим сени сахроларга олиб кетаман. Мажнунни изларидан борамиз. Ўша тушларимга кирган бир гала жайронларга албатта, етамиз.

Муҳаммад СИДДИҚ.

Жаҳон ҳафта ичида

ЯНА БИТТА МАУГЛИ

Камбоджа ва Вьетнам чегарасида жойлашган жунглилардан бирида 18 йил давомида жунглида ёлғиз ўзи кун кечирган бир қиз топилди. Уни ўрмонда дарахт кесувчи топиб олган. У қизни халтасидаги егуликларни ўғирламоқчи бўлаётган чоғда қўлга туширган.

Қизнинг узун сочлари уни қўлга туширишда ёрдам берган. У маймунларга ўхшаб эгилган ҳолда юради. Овқат топиши ва истеъмол қилиши ҳам маймунларникидан деярли фарқ қилмайди. Шунингдек, у гапиришни билмайди. Буни ириллаш ва бақириш ёрдамида ифодалайди. Турмуш тарзи ҳам ярим ёввойи — кундузи ухлаб, тунда овга чиқади.

Қўшни қишлоқда яшовчи Ксор Лоу эса ёввойи қиз ўзининг қизи эканлигини таъкидламоқда. Унинг қизи Ро Чам Пнхень 1989 йилда бедарак йўқолган. Ўша пайтда қиз саккиз ёшга тўлган эди. Уни танишда қўлида пичоқдан қолган жароҳат асосий роль ўйнаган. Айни дамларда полиция оталикни тасдиқлаш мақсадида қатор текширувларни ўтказишни кўзламоқда.

КЎРИКДАН ЎТИШ ШАРТ... ЭМАС

Оила қураётган украиналиклар учун тиббий кўрикдан ўтиш мажбурий эмас. Бу ҳақда мамлакат Адлия вазирлиги махсус баёнот билан мурожаат қилган. Сал олдинроқ, келин ва куёв никоҳдан ўтиш арафасида тиббий кўрикдан ўтиши ва бу ҳақда бир-бирини хабардор қилиши лозимлиги ҳақида гап бораётган эди.

Адлия вазирлигидагиларнинг таъкидлашича, январда қабул қилинган Оила кодексининг янги таҳрири келин ва куёв зиммасига кўрикдан ўтиш мажбуриятини юклайди. Аммо текширувдан ўтиш мутлақо кўнгилли кўринишда бўлади. "Никоҳни қайд қилиш органларига ариза топшириш жараёнида ёшлар тиббий кўрикдан ўтиш имконига эга эканлиги борасида огоҳлантирилади. Агар томонлар буни истаса, уларга тегишли йўлланма берилади", — дейилган тарқатилган баёнотда.

ЛУВР УЧУН БЕШ МИЛЛИОН



Париждаги Лувр музейи Қувайт амири шайх Сабоҳ ал-Аҳмад ал-Сабоҳдан беш миллион евро миқдоридаги совға олди. Ушбу маблағ ислом дунёси маданиятини тарғиб этувчи бўлим очиш учун сарфланади. 2009 йилда очилиши режалаштирилаётган музейнинг қўшимча биноси 56 миллион евро миқдорида баҳоланмоқда. 2005 йилда саудиялик шаҳзода ва миллиардер Ал-Валид бин Талал қўшимча бино қурилиши учун 17 миллион евро ажратган эди.

Амир оиласи Луврга 2006 йилда ўтказилган "Дунё хазинаси: Мўғуллар давридаги Ҳиндистонда заргарлик санъати" кўргазмаси учун XVI-XIX асрларга тегишли шахсий буюмларини тақдим этган, шунингдек, Ал-Сабоҳ Париждаги араб дунёси институти учун ҳам бир миллион евро ажратган эди.

ОПРА УИНФРИ БИРИНЧИ

"Forbes" журнали шоу-бизнеснинг энг бой вакилалари рўйхатини эълон қилди. Рўйхатни АҚШлик телебошловчи Опра Уинфри бошқариб турибди. Унинг "ҳамёни"да бир ярим миллиард доллар бор. Мега-юлдузлар рўйхатида энг сўнгги — йигирманчи ўринни эса актриса Рене Зеллвегер 45 миллион доллар билан банд этиб турибди.

Рейтингни тузганлар асосий эътиборни бугунги фаол ишлаётган юлдузларга қаратишди. Шу сабабли ҳам рўйхатда илгариги юлдузлардан ҳеч кимни учратмайсиз.

Рейтингдан ягона ёзувчи аёл ҳам ўрин олган. У иккинчи поғонада турган Жоан Роулингдир. Унга "Гарри Поттер" миллиард доллар атрофидаги сармоя келтирганлиги баён қилинмоқда. Бой учликни эса яна бир телебошловчи Марта Стюарт якунлаб берган. Унинг сармояси 638 миллион миқдорида баҳоланган. Рейтингдаги 4-7 ўринларни эса қўшиқчилар — Мадонна, Селин Дион, Мэрайей Кэри ва Жанет Жексонлар забт этишган.

ҚОҒОЗДАН САЛ ҚАЛИНРОҚ

«Самсунг» компанияси дунёдаги энг юпқа қўл телефонини сотувга чиқарди.

Вазни 66 грамм бўлган SGHX820 бу телефоннинг қалинлиги бор-йўғи 6,9 миллиметрни ташкил этади.

Ҳажми жиҳатидан кичкина бўлса-да, у анча қулайликларга эга. Мусиқа ва бошқа зарур маълумотларни сақлаш учун телефон хотирасида 80 мегабайт жой ажратилган.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

Муассис: «Миллий тикланиш» демократик партияси

MILLIY TIKLANISH
Миллий тикланиш — миллат келажаги
O'zbekiston "Milliy tiklanish" demokratik partiyasining ijtimoiy-siyosiy, iqtisodiy gazetasi

Таҳрир ҳайъати

ТЕЛЕФОНЛАР:
Қабулхона — 133-67-51
Бўлимлар — 136-58-73
Реклама ва эълонлар бўлими — 136-58-73

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.
Босишга топшириш вақти 20.00
Нашр кўрсаткичи — 158

Газета 014-рақам билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма: Г — 23.
Ҳажми 2 босма табоқ.
Адади 2344
Сотувда эркин нархда

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Манзил: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй

2 3 4 5

Босишга топширилди 21.20